

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ,
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР
МАЪЛУМОТЛАР

**ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЯНА ХАЛҚАРО ВАЗИЯТГА ЎЗ ТАЪСИРИНИ
КЎРСАТГАН МАШХУР ИНСОНЛАР РЎЙХАТИДА**



- * Испаниянинг етакчи таҳлилий марказларидан бири – Барселона халқаро муносабатлар маркази (CIDOB) 2017 йилда халқаро вазиятга ўз таъсирини кўрсатган машхур инсонлар ҳамда воқеаларнинг 40 банддан иборат рўйхатини эълон қилди.
- * Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бу сафар ҳам ушбу рейтингдан жой олди.

Рўйхат тўпловчилари тақдим этган маълумотларда қайд этилишича, Ўзбекистон етакчиси мамлакат Президенти этиб сайланганидан сўнг “сифат жиҳатдан янги муҳит ва некбинлик бошлангани ва буни кўпчилик кутмагани” муносабати билан эътибор қозонган. Рейтинг маълумотларида, жумладан, қуйидаги фикрлар ҳам қайд этилган:



*

“Бугун Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигига “алоҳида баҳор”ни кечирмоқда. У ўз фаолиятининг биринчи куни давомидаёқ барча прогноз ва қолипларни синдиргани ҳолда мамлакатни очиқлик сари етаклаш жараёнининг ташаббускори бўлди. Бу жараённи ўзбек халқи аллақачон жиддий ҳис этмоқда. Ўнлаб сиёсий маҳбуслар озод қилинди, қарийб уч минг киши афв этилди, минглаб одамлар маҳсус хизматларнинг “қора рўйхати”дан ўчирилди, матбуот илгари тақиқланган мавзуларни кўтариб чиқа бошлади. Бундай чора-тадбирлар кўшни мамлакатлар билан муносабатларни яхшилаш бўйича дипломатик ташаббуслар билан биргаликда мамлакат ичкарисида ва унинг ташқарисида ҳам кўпчилик кутмаган некбинликни уйғотгани ҳолда Ўзбекистонда янги муҳитни яратди”.



КИРИШ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг «Ўзбекистон
Республикаси туризм салоҳиятини
ривожлантириш учун қулай
шароитлар яратиш бўйича қўшимча
ташкилий чора-тадбирлар
тўғрисида»ги 2018 йил 3 февралдаги
ПФ-5326-сон Фармонини ижро этиш,
шунингдек, республикага туристлар
оқимини кўпайтириш, кириш
туризмини миллий иқтисодиётнинг
муҳим тармоқларидан бирига
айлантириш, мамлакатнинг маданий-
тарихий мероси ва табиий
бойликларини кенг тарғиб қилиш
мақсадида:

Президент 6.02.2018 йилдаги “Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари түгрисида”ги қарорни имзолади.

Хужжат билан соҳада қатор янгиликлар назарда тутилган.

2018 йил 1 майдан бошлаб транзит бўйича ҳаракатланаётган хорижий ўловчиларга келишлари билан 72 соат муддатга қисқа муддатли кириш визалари берилади. Бунда уларда учинчи мамлакатга авиачипта ва виза (зарурат бўлганда) мавжуд бўлиши ҳамда консуллик йиғимлари тўланган бўлиши керак. Бундай туристлар учун танишув турлари мамлакатимизда тасдиқланган туризм дастурлари бўйича уларнинг аэропорт чегара ҳудудидан ташқарига қисқа муддатли назорат қилинадиган чиқиши форматида ўtkaziladi.

Мазкур тартибнинг амал қилиши, шунингдек фуқароларига келишлари билан қисқа муддатли кириш визалари бериладиган мамлакатлар рўйхатини Вазирлар Маҳкамаси 2 ой ичida белгилайди

Ўзбекистон ҳаво йўлари» МАКга қатновлар рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида халқаро қатновлар учун авиачипталарни таннархидан паст нархларда сотишга рухсат берилди. Бунда компаниянинг солиқ солинадиган базаси арzonлаштирилган нархлар бўйича сотилган авиачипталар суммасига камайтирилади (камайтиришнинг аниқ механизмлари Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК билан биргаликда ишлаб чиқилади).

2018 йил 1 марта турристларга тезкор ёрдам кўрсатиш учун ягона қисқа умумреспублика телефон рақамига эга бўлган Call-марказ ташкил этилади. Бунинг учун ТИВ, ИИВ, МХХ, Соғликни саклаш вазирлиги, ФВВ, ДБҚ, ҳокимликлар, бошқа органлар билан идоралараро ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Турристлар учун йўналишни мўлжалга олишни енгиллаштириш мақсадида чет тилларидаги (*инглиз, рус ва бошқа тилларда*) кўрсаткичларни ўрнатиш ташаббуси билан чиқсан хўжалик юритувчи субъектларга ушбу кўрсаткичларда ўз маҳсулотлари (хизматлари ва ишлари)ни реклама қилишга рухсат берилади. Рекламанинг умумий майдони – кўрсаткичининг 40%дан кўп бўлмаган майдони. Бунда реклама соҳасига оид қонунчилик талабларига риоя қилиниши мажбурий.

Шунингдек ҳужжат қатор топшириқларни ўз ичига олади, улар жумласида:

олтин буюмлар ҳамда тайёрланган ўлчовли ём билар хорижий туристлар томонидан Ўзбекистондан олиб чиқилиши тартибини соддалаштириш; республиканинг туризм салоҳияти тўғрисидаги фото ва видеоматериалларни тайёрлаш учун учувчисиз учиш аппаратларини, жумладан, дронларни мамлакатимиз ҳудудига вақтинча олиб кириш ва улардан фойдаланиш учун рухсатномаларни бериш тартибини ишлаб чиқиш;

“Қарши” халқаро аэропортини “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАКнинг таркибидан чиқариб, халқаро аэропортларни бошқариш бўйича маҳсус компания бошқарувига бериш, аэропорт ҳудудида “Очиқ осмон” режимини, шу жумладан, лоукостер авиакомпанияларини жалб қилган ҳолда жорий қилишни назарда тутувчи “Қарши” халқаро аэропортини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш

ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 6 февраль куни фармацевтика соҳасини ривожлантириш борасидаги ишлар натижадорлигини таҳлил қилиш, истиқболдаги долзарб вазифаларни белгилашга бағишлиланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолини сифатли ва арzon дori воситалари билан таъминлаш Президентимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Ўтган йили бу масалаларга бағишилаб бир неча йиғилиш ўtkazildi. Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ҳудудларига ташрифи чоғида соҳадаги аҳвол билан бевосита танишди. Тиббий хизматлар кўлами ва сифатини оширишга қаратилган 30 га яқин фармон ва қарор қабул қилинди.

Аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларини арzon дori воситалари, тиббиёт буюмлари билан таъминлашни яхшилашга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 7 ноябрдаги “Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузурида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Шу каби тизимли ишлар ўз самарасини бермоқда. 2017 йили 1,6 миллиард шартли қадоқда дori воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарилди. Бу 2016 йилга нисбатан 34 фоиз кўпdir. Шунингдек, ўтган йили соҳада 71 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланиб, шундан 148 миллион долларлик 33 та объект ишга туширилди. 76 номдаги янги маҳсулот ўзлаштирилди. Йиғилишда соҳадаги ишлар танқидий таҳлил қилиниб, белгиланган вазифалар ижроси қониқарли эмаслиги таъкидланди. Фармацевтика корхоналарининг аксариятида замонавий технологиялар умуман қўлланилмайди, дori субстанциялари ишлаб чиқаришга умуман эътибор йўқ, деди Шавкат Мирзиёев. Корхоналар тўлиқ циклда маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш ўрнига, ҳали ҳам асосан хориждан тайёр маҳсулотларни олиб келиб, қадоқлаш билан шуғулланаяпти.

Йиғилишда давлат томонидан барча имкониятлар яратилганига қарамай, бу борадаги ишларни ташкил этиш суст кечаётгани, айрим муаммолар ҳамон сақланиб қолаётгани танқид остига олинди. Хусусан, дори воситалариға эҳтиёжни аниқлаш тизими ва мавжуд эҳтиёж бўйича аниқ маълумотлар базаси яратилмаган. Жорий йилда мингта ижтимоий дорихона ташкил этиш бўйича ҳали натижали иш қилинмаган.

Фармацевтика йўналишида 7 та эркин иқтисодий зонани ташкил этиш бўйича фармон қабул қилинганига 9 ойдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, ҳали биронтасининг ҳудудида иш бошланмаган. Уларнинг бош режалари тасдиқланмаган, муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилмаган. Фармацевтика соҳасидаги илмий-тадқиқот институтларининг роли умуман сезилмайди. Бугунги кунда улар томонидан ўсимлик хомашёсидан атиги 16 номдаги 1,6 тонна дори субстанцияси ишлаб чиқарилади, холос. Бундан ташқари, соҳада замонавий илғор технологияларни самарали ишлата оладиган кадрлар етишмайди. Президентимиз бу муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш бўйича истиқболдаги муҳим вазифаларни белгилаб берди.



ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚҮЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИМИЗ МАРКАЗИДА БЎЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
раислигига 7 февраль куни хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш масалаларига бағишлиланган йиғилиш бўлиб ўтди.

- * Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида белгиланган.
- * Ўтган йиллар мобайнида бу борада муайян ишлар амалга оширилган. Бироқ, шу пайтгacha хотин-қизлар манфаатларини рўёбга чиқариш бўйича самарали механизм яратилмаган.



O'zbekiston Respublikasi Prezidentining
MATBUOT XIZMATI

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони шу мақсадда қабул қилинди. Хотин-қизларга эътибор ҳамма вақт барча саъй-ҳаракатларимиз марказида бўлиши, ҳаммамизнинг вазифамизга айланиши керак, деди давлатимиз раҳбари. Оилага эътибор аслида бу ўзлигимизга эътибордир.

Йиғилишда хотин-қизлар қўмиталари фаолияти қониқарсиз экани, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёлларга кўмак бериш, эрта никоҳлар, ажрашишлар ва аёллар жиноятчилигининг олдини олишга етарлича эътибор берилмагани таъкидланди. Охирги йилларда ажрашишлар сони ҳар йили 10-11 фоизга ошиб боргани ташвишланарлидир. 2017 йилда 31 мингдан зиёд ажралиш ҳолати қайд этилган. Бунинг оқибатида, асосан, аёллар ва болалар жабр кўрмокда. Аёллар ўртасида жиноятга қўл уриш ҳоллари кўп учрамокда.

Президентимизнинг юқорида қайд этилган фармонида шу каби муаммоларни ҳал этиш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланди. Республика, вилоят, шаҳар ва туманлар хотин-қизлар қўмиталари тузилмаси тубдан такомиллаштирилди.

Барча маҳалла фуқаролар йиғинларида хотин-қизлар билан ишлаш ва оиласарда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг худудий бўлинмалари ташкил этилиб, аниқ вазифалари, мақоми белгилаб берилди.

Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органи фаолиятини мувофиқлаштириш туман ҳокими ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси раиси зиммасига юклатилди. Бу билан жойлардаги хотин-қизлар масалалари бўйича ҳоким ўринбосарлари ҳамда Республика қўмитасининг имконияти ва таъсири кучайтирилди.

Жойлардаги фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органлари фаолияти танқидий ўрганилиб, уларга ўз вазифаси моҳиятини тушунадиган,adolatli, оилавий қадриятларимизни ҳурмат қиласидиган, профессионал кадрлар тайинланади.

Ишлаш истаги бўлган хотин-қизларнинг манзилли рўйхатлари шакллантирилиб, уларнинг бандлигини таъминлаш, аёлларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка жалб этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.

Хотин-қизлар ўртасида ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир маҳалла кесимида иш олиб борилади. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, шунингдек, ўтган йили маҳсус рўйхатдан чиқарилган 2 минг 587 нафар диний оқим аъзоси бўлган аёлларнинг хаётда ўз ўрнини топиши, ижтимоий муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Хотин-қизларнинг тиббий маданиятини ошириш, кам таъминланган оилаларга манзилли тиббий ёрдам кўрсатиш, республика скрининг ва репродуктив марказлари хизматларини янада ривожлантириш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА



- * 2018 йил 7 февраль куни
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат
Мирзиёевнинг Туркия
Республикаси Президенти Режеп
Таййип Эрдўғон билан телефон
орқали мулоқоти бўлиб ўтди.
- * Мулоқотда икки давлат
раҳбарлари 2017 йил октябрь
оидиа Туркия Республикасига
амалга оширилган олий
даражадаги самарали ташриф
қўп қиррали ва ўзаро манфаатли
Ўзбекистон – Туркия
ҳамкорлигини сифат жиҳатидан
янги босқичга олиб чиққанини
мамнуният билан қайд этдилар.

Режеп Тайип Эрдўғон Ўзбекистонда Туркия фуқаролари учун 30 кун муддатга визасиз режим жорий этиш бўйича қарор қабул қилинганини юксак баҳолаб, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорлик билдириди.

Ўзбекистон Президенти мазкур қарор олий даражадаги учрашувлар доирасида эришилган келишувларнинг амалий натижаси эканини алоҳида қайд этди. Бундай қарор қабул қилиниши савдо-иктисодий, инвестиция ва туризм соҳаларида янги имкониятлар яратишга хизмат қилиши ва, энг асосийси, қардош халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаб, Туркия фуқароларининг Ўзбекистонга келишлари учун кенг йўл очиб беришини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Туркия Республикаси делегациясини минтақада тинчлик, осойишталик ва барқарор тараққиётни таъминлаш мақсадида жорий йил март ойида Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилаётган Афғонистонда тинчликка эришиш бўйича халқаро конференцияга таклиф этди. Ўз навбатида, Режеп Тайип Эрдўғон ушбу ташаббусни юксак баҳолаб, уни амалга оширишни тўлиқ қўллаб-куватлаши ҳамда мазкур тадбирда Туркиядан юқори даражадаги вакиллар иштирок этишини билдириди. Мулоқот сўнггида давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги азалий дўстлик ва қардошлиқ алоқалари ҳамда анъанавий яқин ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлашга тайёр эканларини яна бир бор тасдиқладилар.

Президент Шавкат Мирзиёев 9 февраль куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш, халқ билан мулокот қилиш мақсадида пойтахтимиз туманларида бўлди.

Тошкент шаҳрида сўнгги йилларда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бугун пойтахтимиз том маънодаги қурилишлар майдонига айланган. Янгидан-янги иншоотлар, корхоналар, тиббиёт ва таълим муассасалари, спорт мажмуалари, равон йўллар, кўприклар, маҳалла гузарлари, бозорлар, боғлар, хиёбонлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу борадаги ишлар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида жадаллик билан давом эттирилмоқда. Давлатимиз раҳбари дастлаб Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишидаги 2-босқич қурилиш ишларини кўздан кечирди. Шавкат Мирзиёев бу каби мураккаб жараён нафақат маблағ, балки ақлий меҳнат ва юксак маҳорат, чуқур билим ва тафаккур, юқори технологияларни талаб қилишини таъкидлади.



- * Қурилишга 200 дан ортиқ ишчи ва мұхандис, 40 та техник восита ва механизм жалб этилган. Метро қурилишига Германиядан еости туннелини қазыйдиган комплекс, бурғулаш ва темир-бетон қозық қоқиши техникаси, шунингдек, ГФР ва Хитой кранлари олиб келинганд.
- * Қурилаётган метро участкасининг узунлиги 2,9 километр бўлиб, уни 2019 йилда фойдаланишга топшириш мўлжалланмокда.
- * Президентимизга метро бекатларининг дизайни ва қиёфаси, уларни замонавий ва миллий анъаналар асосида қуриш ва безаш бўйича маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари метро қурилишида ишлатилаётган энг замонавий техник воситалар билан таништирилди.

Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда барпо этилаётган “Наврӯз” истироҳат боғи лойиҳасини кўздан кечирди. Наврӯзи олам – халқимизнинг энг қадимий миллий байрами. Юртимизда каттаю кичик барча шарқона янги йил бўлмиш ушбу айёмни орзиқиб кутади. Эзгулик, меҳр-муруват, хайр-саховат айёми қалбларга олам-олам сурур ва орзу-ҳаваслар баҳш этади. Жорий йилда ҳам Наврӯз байрамини кўтаринки руҳда, умумхалқ сайли тарзида нишонлаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг Абдулла Қодирий, Шароф Рашидов ва Лабзак кўчалари кесишган жойда “Наврӯз” боғи барпо этилмоқда.



Боғ учун 32 гектар ер ажратилган бўлиб, бу ерда 6 минг кишилик усти очилиб ёпиладиган амфитеатр, диаметри 72 метрлик чархпалак, ҳар бир вилоят аҳолисининг ўзига хос урф-одатлари, аждодларимизнинг яшаш тарзи, миллий ҳунармандлик, пазандалик анъаналарини акс эттирувчи уйлар қурилади. Бу ерга келган хорижий делегациялар аъзолари ва сайёҳлар аждодларимизнинг ўзига хос бой маданий мероси, фольклори, этнографияси, кийиниш маданияти, санъати билан танишиш, ҳар бир ҳудуднинг лаззатли таомларидан татиб кўриш имкониятига эга бўлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Олмазор тумани Қичқириқ канали бўйида маданият ва истироҳат боғи барпо этилиши режалаштирилган. Бу ерга ташриф асносида Шавкат Мирзиёевга мазкур парк лойиҳаси юзасидан маълумот берилди. Маълум қилинганидек, боғда болалар ва спорт майдончалари, замонавий аттракционлар ташкил этилади. Абдулла Қодирий ва Чўлпон номидаги кутубхоналар, Нуронийлар маскани курилади.

Президент кутубхоналарнинг пойтахт мактаблари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш, Абдулла Қодирий ва Чўлпон ижодини ёшларга чуқур ўргатиш зарурлигини таъкидлади. Аҳолининг дам олиши учун қулайликлар яратиш, хусусан, Нуронийлар масканида чойхона ва асия маркази ташкил қилиш, яқин жойда поликлиника барпо этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Боғ билан танишув чоғида Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда “Хавфсиз шаҳар” концепцияси доирасида олиб борилаётган ишлар билан танишди. Давлатимиз раҳбари уйма-уй юриб, одамлар билан сухбатлашиш, уларнинг муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашиш, иш ўринлари яратиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш зарурлигини таъкидлади.

ИЧКИ ТУРИЗМНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА



Президентнинг 7.02.2018 йилдаги ПҚ-3514-сон «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Aҳоли учун тур ва экскурсиялар

Хужжат билан «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» ички туризмни ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича амалий чоратадбирлар режаси тасдиқланди.

Шу муносабат билан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ёшлар иттифоқи, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамоат фонди ва «Нуроний» жамғармаси бир ой муддатда аҳолининг турли қатламлари учун ҳудудлар ҳамда жалб этилган ташкилотлар миқёсида турлар ва экскурсияларни ташкил қилиш жадвалларини тасдиқлайдилар.

Республиканинг барча шаҳарларида ички туризмнинг ташқи рекламаси тайёрланади ва ўрнатилади. Уни марказий кўчалар, аҳоли гавжум жойлар ҳамда трассаларда жойлашган шитлар, экранларда ўрнатилади. Бунинг учун ҳар бир ҳудудда камида 100 та жой ажратилади.

ТОКИОДА АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ШЕЪРЛАРИ ЖАРАНГЛАДИ



- * Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси томонидан буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навой таваллудининг 577 йиллигига бағишланган тантанали тадбир ташкил этилди.
- * Тадбирда Сок университети, Токио санъат университети раҳбарлари, профессор-ўқитувчилари ва талабалари, "Япония-Ўзбекистон" дўстлик уюшмаси аъзолари ҳамда Япония ижтимоий-сиёсий доиралари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.
- * Тадбирда Япония олий таълим муассасалари профессорлари мумтоз адабиётимизнинг атоқли намоёндасининг ижодидан парчалар ўқиди. Токиодаги Сока университетининг бош майдонида ўрнатилган Навой ҳайкали пойига гул кўйилди.



Сока университети ректори Йошихиса Баба Алишер Навоий ҳайкали пойида шоирнинг япон тилида битилган, бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ҳикматли сўзларни ўқиб берди: “Оlam аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ, Ёр ўлинг бир-биригизгаким, эрур ёрлиғ иш”.

Сока университети профессори, таниқли навоийшунос олим Мицуру Кояма Алишер Навоий асарлари бугунги кунда бутун дунёда, шу жумладан Японияда ҳам катта қизиқиш билан мутолаа қилинаётгани, буюк шоирнинг асарлари кўпгина тилларга ўгирилгани бундан далолат берётганини таъкидлади.

ЭРОН ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ БИЛАН УЧРАШУВ



- * 2018 йилнинг 10 февраль куни Техрон шаҳрига ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Камилов Эрон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазири Жавад Зариф билан учрашди.
- * Музокараларда сиёсий, савдо-иктисодий, транспорт-коммуникация, инвестицион, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.
- * Минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашиш чоғида алоҳида эътибор Афғонистондаги вазият ўзгаришига қаратилди, хусусан Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шерикчилик” номли Афғонистон бўйича халқаро конференция кун тартиби кўриб чиқилди.

ЭРОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН УЧРАШУВ



2018 йилнинг 10 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Камилов бошчилигидаги делегация Эрон Ислом Республикаси Президенти Ҳасан Рухани томонидан қабул қилинди.

Суҳбат чоғида Вазир Эрон Президентига учрашув ўтказиш ва Ўзбекистон-Эрон мuloқотининг долзарб масалаларини муҳокама қилиш имконияти учун миннатдорчилик билдириди ҳамда Ўзбекистон Раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Ҳасан Рухани ва Эрон халқига самимий тилакларини етказди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Эрон президентларининг 2017 йил сентябрда Остона шаҳридаги учрашувида эришилган келишувларни амалга ошириш нуқтайи-назаридан икки томонлама алоқаларни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.